товарларни, шу жумладан темир рўза, кокс, нефть, қора металл, прокат, ферросплавлар, рангли металл, пахта, алаит-концентрат, ёғоч-тахта, автомашиналар, шарикоподшипниклар, нефть пармалайдиган ва йўл қурилиш ускуналарини ва бошқа товарлар етказиб беради.

Венгрия Совет Иттифоқига кема-лар, сузувчи қанлар ва портал қанлар, пессажир автодалари, станоклар, химия ва озиқ-овдат саноати учун машина-ускуналар, пойфал, тақилган бўюмлар, газлама, мебель ва ҳалқ истеъмол қиладиган бошқа баъзи товарлар етказиб беради.

Проектнинг иккинчи бўлимида иктисодий ва яқиний ўзгаришлар кўзда тутилди, бу ўзгаришлар атрар монополиянинг тугатиш ва саноат монополияларини қарини қулаш олиб бериш, меҳнатқамларнинг турмуш даражасини ошириш, иш билан тўла таъминлигини ҳамда социал-таъминот системасини вужудга келтиришдан иботдир.

Программа проектининг учинчи қисмида мамлакатдаги сиёсий масалаларни ялғилан, конституцияга риоя қилиш ҳамда маъмурий аппаратнинг порҳўрлигига қарини қулаш олиб бериш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Италия мактаби ва маданияти масалаларига бағишланган бўлимида Италиядаги бутун таълим системасини қайта ташкил этиш кўзда тутилди.

Программа проектининг бешинчи бўлимида Коммунистик партия мамлакатдаги барча ҳалқ кучларини ва демократик кучларини янада бирлаштириш зарурлигини уқтириб ўтди.

Пировардида Компартия Марксий Комитети ҳалқини Италия Коммунистик партияси учун — тинчлик ва прогресс партияси учун овоз беришга чақиради.

Совет Иттифоқида «СССР-Финляндия» жамияти тузилди

Мамлакатимизда «СССР-Финляндия» жамиятини тузиш тўғрисидаги тақабил совет жамоатчилиги кенг доиралари зўр қизиқин билан қўлиб олди. Бу тақабил олимлар, давлат арбоблари, маданият ходимлари ва бошқа кишилардан иботат ташаббускор группа илгари сурган эди.

13 январь кечқурун Москвада янги жамиятин тасис атувчиларининг йиғилиши бўлди. Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутунити-фоқ жамиятининг ахши мамлакатлари, Ленинград, Петрозаводск, Таллин, Запорожье, Калинин шаҳарлари бошқа шаҳарларнинг вакиллари тўғилдилар.

Меҳмонлар орасида Финляндия республикасининг СССРдаги фаху-луд ва мухтор элиси Эро А. Вуори ва элчихона қондилари, шунингдек Москва олий ўқув юрталарида ўқибётган фин студентлари ҳам эди.

Ташкилий йиғилишини Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутунити-фоқ жамияти правленисининг раиси Н. В. Попова очди.

Ташаббускор группанинг топи-ринига мувофиқ, педагогика фанлари академиясининг вице-президенти А. И. Маркушевич доклад қилди. У, СССР билан Финляндия ўртасида сиёсий ва иқтисодий муносабатларини ривожланиши тўғрисида, маданий алоқаларнинг кенгайиб бораётганлиги тўғрисида, ҳар иккала мамлакат жамоат ва давлат арбобларининг ўзаро визитлари қандай аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирди.

Бу алоқаларнинг тобора ривожланиши, — деди докладчи, — ҳозирги вақтда бизнинг олдимизга

Финляндия ва СССР ҳалқлари ўртасида ҳамкорлик қилишга совет жамоатчилиги доираларини янада кенг қамб этиш назарасини қўймоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда «СССР-Финляндия» кўнгилли жамиятини тузиш зарурлиги вужудга келди. Бу жамият ахши қўшнчилик муносабатларимизнинг янада мустақамлашига ёрдам бериши асоси.

Финляндиянинг СССРдаги ахши Эро А. Вуори нутқ сўзлади. Йиғилиш қатнашчилари уни самий кутиб олдилар. Энди «СССР-Финляндия» жамиятини тузиш ташаббусчиларига йиғилишда ҳозир бўлган фанлар номидан ташаккур изҳор қилди ва бу жамият ҳар иккала мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларини янада ривожлантириш назарасини муваффақият билан амалга ошириш учун ҳамма шарт-шароитларга эгадир, деди.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқида «СССР-Финляндия» жамияти тузиш тўғрисида ахшилик билан қарор қабул қилдилар. Жамият правленисининг состиави сайланди. Йиғилиш қатнашчилари Хельсинкида «Финляндия-СССР» жамияти номига таърих хатини қизгин қарасалар билан маъқуладилар. Бу таърих хатида Финляндиялик дўстларга СССРда янги жамоат ташкилотини тасис этилганлиги хабар қилинди.

Йиғилишдан кейин «СССР-Финляндия» жамияти правленисининг биринчи мажлиси бўлди. Правление раиси қилди Педагогика фанлари академиясининг вице-президенти А. И. Маркушевич сайланди. (ТАСС).

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ IV ХАЛҚАРО КОНГРЕССИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

ВЕНА, 13 январь. (ТАСС). Австрия демократик хотин-қизлар совиал матбуотда эълон қилиш учун қўйилган ахборотни топширди:

«Шу йил 8-9 январда Венада Австрия демократик хотин-қизлар совиал правленисининг конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг беш секретари Кармен Сант ва беш секретарь Урнбосари Мария Анне-Губер қатнашдилар.

Конференция қатнашчилари Австрия демократик хотин-қизлар совиалнинг 1958 йил 1 январь 5 июн-гача Венада хотин-қизлар IV халқаро конгрессини ўтказиш тўғрисидаги тақабил Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг томонидан қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарини зўр шодлик билан қўлиб олдилар.

Конгресснинг кун тартибидида ҳозирги замон жамиятида хотин-қизларнинг роли ва масъулияти тўғрисида ҳамда Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг назар-қарорлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Конгресс доирасида алоҳида-алоҳида қўйилган уч конференция ўтказилди:

1. Хатини ҳимоя қилиш проблемаси билан шуғулланганлиги конференция. Бу конференцияда атом бомбалари синовларини тўхтатиш тўғрисидаги ва атом қуролни тақабил тўғрисидаги масала, қуролланишнинг тўғрисидаги масала, миллий мустақиллик ҳуқуқи тўғрисидаги, атом энергиясини ва фан соҳасидаги ҳамма муваффақиятлардан тинч мақсадлар учун, инсониятнинг бахт-саодати ва кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш йўлида фойдаланиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Болгария халқ мажлисининг сессияси

СОФИЯ, 13 январь. (ТАСС). Янги сайланган Болгария Ҳалқ Республикаси Ҳалқ мажлисининг биринчи фахуулудда сессияси бутун очилди. Сессия Ҳалқ мажлиси бюросини ва президиумини сайлади. Ҳалқ мажлиси бюросининг раиси қилди Фердинанд Козовский ва Ҳалқ мажлиси президиумининг раиси қилди Георгий Дамьянов сайланди.

Сессия Министрлар Советининг раиси қилди Антон Йовови сайланди. Антон Йовова янги ҳукумат тузиш топширилди.

2. Хотин-қизларнинг жамиятда она, ишчи ва граждн ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун зарур шарт-шароитларни қараб чиқадиган конференция. Бу конференцияда хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқига боғлиқ масалалар, хотин-қизларнинг оиладаги тенглиги тўғрисидаги масала ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

3. Болаларни ва ёшларни тарбиялаш масалалари билан, ёшларнинг билим олиш имкониятлари тўғрисидаги, ёшларни ҳалқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги руҳида тарбиялаш масалалари билан шуғулланганлиги конференция.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг хотин-қизлар 4-Халқаро конференцияси қақирлиши муносабати билан чиқарган Хитоб-номасида бундай дейилди:

«Бу конгресс хотин-қизларнинг барча қишларда иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги иштироки ўсиб бораётганлигини, бу эса ҳозирги дунё тарқабётган муҳим фактор эканлигини намоиш қилиб кўрсатди. Конгресс хотин-қизларнинг баъзи мамлакатларда ҳали ҳам мавжуд бўлган камситиларига қарини олиб бораётган курашини ҳам акс эттирди. Конгресс хотин-қизларнинг ҳалқ учун ахши ҳаёт бўлишига интилаётганлигини ҳамда ўз мамлакатларининг мустақилигини ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилишга қатъий деб боғлаётганлигини кўрсатди.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг ўзининг ҳамма миллий ташкилотларини ва ирди, миллати, дини ва дунёқарашини қандай бўлишдан қатъи назар барча хотин-қизларни бу конгрессга ўз вакиллари юборишга даъват этилиб.

Индонезия ва Миср президентлари ўртасида музокаралар

ҚОҲИРА, 13 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Индонезия президенти Сукарно билан Миср президенти Носир ўртасида музокаралар бошланди.

Икки соатга яқин давом этган биринчи учрашувда Индонезия ташқи ишлар министри Субандрио, Миср ташқи ишлар министри Фавайи ва Миср давлат министри Али Сабрий ҳозир бўлидилар.

Матбуотнинг хабар беришча, музокараларда ҳозирги ҳалқаро аҳволга доир масалалар, Мисрнинг ҳам, Индонезиянинг ҳам қизқитириётган проблемалар, шунингдек иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларини янада мустақамлаш йўлида ва воспталари муҳокама қилинмоқда. Президентлар бу мамлакатларнинг тинчлик ва миллий мустақилигини мустақамлаш йўлидаги курашига доир масалаларни муҳокама қилдилар.

Шу муносабат билан матбуот Миср ва Индонезиянинг тинч-отуғ янаш сиёсати бундан бўён ҳам қаттиқ амал қилишга ҳамда позитив бетарафлик позициясида туришга қатъий қарор қилганликлари уқтириб ёзди.

Газеталар бу музокарада Индонезиянинг ажраламас қисми бўлган Фарбий Иран тўғрисидаги масала муҳим ўрин олганини таъкидламоқдалар.

Корхоналарнинг бир меёрда ишлашига эришайлик

Ҳисобот доклад қилган шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ И. Ҳусниддинов ва музокарада қатнашган делегатлар шаҳар саноати 1957 йил планини мудатдан илгари бажариб, йил охиригача пландан ташқари 9 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарганини, ишлаб чиқаришда янги техника ва илгор технологияни, меҳнатни ташкил қилишнинг илгор усулларини кенг жорий қилиш соҳасида бир қатор тадбирлар амалга оширилганини қайд қилдилар. Шу билан бирга улар корхоналарга раҳбарлик қилишда йўл қўйилган жиждий камчиликларни ҳам очиб ташдилар, ҳўжаликка партия раҳбарлигини янада кучайтириш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтдилар.

В. И. Ленин номи Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг секретари ўртоқ Г. Винокуров бундай деди:

— Завод партия ташкилоти коллектив томонидан олинган социалистик мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрди. Ишчилар, инженер-техник ҳодимлар ўртасида оммавий-сиёсий, тарбиявий ишлар анча кучайтирилди.

Лекин завод фаолиятида жиждий камчиликлар бор. 3-қўйилдиш пети қурилиши бир неча йилдан бўён тугалланмаптир. Утган йили Тош-

(БЕКОВ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

кент Халқ ҳўжалиг кенгаши заводидаги камчиликларини тугатишга яқиндан ёрдам берди. Лекин шунга қарамай, металл ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш юзасидан белгиланган кўпгина тадбирлар амалга оширилмади. Завод чўян ва темир парчалар билан тўғри таъмин этилмаптир. Шу тўғрйли январь ойининг биринчи ўн кунидидаги қарийб 200 тонна пўлат кам ишлаб чиқарилди.

Даржискийнинг номи цемент комбинати партия бюросининг секретари ўртоқ С. Жабборовнинг тан олашча, партия ташкилоти коллективини 1957 йил планини бажариш учун курашга етарли сафарбар этилмади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планни бажарилмади. Партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни олиб боришда жиждий камчиликларга йўл қўйилди.

Нотиж корхонага е

ДЕКАДАГА АТАБ



Бу йил Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик қилиш адабиётчилар ва санъаткорларнинг иш бўлмасдан, балки умумхалқ ишидир. Шу кунларда театрлар, иқоди ва концерт буювчи ташкилотларда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг республика адабиётчилари ва санъаткорларига қилган Мурожаати кенг муҳокама қилинмоқда.

Ёзувчи академик Ойбек ҳам Мурожаатга жавобан декадага олиб борадиган янги асарлари устида қизғин ишлаётди. Ҳозир у Туркистондаги граждандар урушини ақс эттирувчи «Улуг йул» номи романини ҳамда «Болалик» деган автобиографик повестини тамомлаш арасида турибди.

Суратда: адиб Ойбек ўз иш кабинетидида.
М. Турсунхўжаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Автомат «одам»

Москва областининг Шчелковский районидаги Чкалов номи ёш техниклар станциясида радио тўғрисидаги аъзолари Юрий Андреев ва Виталий Давидов автомат «одам» ясади. Бу «одам»нинг кўзи — нурли сезадиган фотоэлементлар, қўли эса — микрофонлардир. Унинг темир панжалари кўпол, оёқлари эса жуда оғир. Бўйи одам бўйидан сал баланд бўлиб, оғирлиги 150 килограммдир.

Радио орқали бошқариладиган бу механизм ростдан ҳам автомат «одам»га ўхшайди. У радиодан берилган буйруқларни тез ва иттидорлик билан бажаради. Автомат «одам» овоз билан берилган команда бўйича олдинга, орқага, чапга, ўнгга юради ва бир жойда тўхтади. Бундан ташқари радио команда билан қўлларини баландга кўтарди ва туширади, тираскалари бўкилади. Панжалари билан эса ердан турли предметларни олади. У кўради ҳам — бирор жойдан нур кўрсатилса дарҳол ана шу тарафга қараб юради. Бундан ташқари автомат «одам» ўзининг келиб чиқиши ва нималар қила олиши тўғрисида йўғон овоз билан гапириб ҳам беради. Қисқаси ҳаваскорлар ясаган бу аппарат йигирмадан ортиқ ҳар хил ҳаракатларни бажаради.

Суратда: Автомат «одам». Радио ҳаваскорлари тўғрисидаги аъзоси Саша Богомолов аппаратнинг ишлаш услубини тушунтирмоқда.

Мамлакатимизда ҳар 10 кишига 55 дон китоб тўғри келади

Улуг Октябрьнинг 40 йиллигига атаб Бутуниттifoф китоблар палатаси «СССРда 40 йил ичида матбуот» деган тўплам босиб чиқарди. Бу тўпламда Совет ҳокимияти йилларига вақтин матбуот ва китоб нашр этиш масли қўрилмаган даражада ўсганлигини кўрсатувчи аҳолий рақамлар келтирилган.

40 йил мобайлида СССРда дундаги 124 тилда китоб нашр этилди. Шундан 86 таси СССР халқлари тилида, 38 таси эса чет эл халқлари тилида. Соёқ Россияда 1913 йилда ҳар 10 кишига 6 та китоб тўғри келган бўлса, 1956

Болалар ёмби топиб олишди

Яқинда Эстониянинг Кохт-Ярве шаҳри яқинида шундай воқеа рўй берди: шаҳар чеккасида трактор кичикроқ бир майдонни ҳайдаётган эди. Метсене исмли шахтёрнинг болалари эса трактор кетидан қопиб, ўйнаб юрадидилар. Тўрт ёшли Велло бирдан тупроқ орасида ётган қандайдир металл предметни кўриб қолади. У усти ўтлар билан қопланган кетган, мис қутча экан. Бола қутчани кўтаришга уриниб кўради. Аммо оғирлигидан ердан узоқламади.

Веллонинг акаси ва тракторчи ерданга келадилар. Улар анча куч сарфлаб қутчанинг қопқотганини очадилар. Унинг ичида 700 дондан ортиқ қадимги қумуш тапта бор экан. Топилма орасида немис, вивантия, англо-саксон ва бошқа мамлакатларнинг қумуш пулларини учратини мумкин эди.

Ёмби Эстония ССР Фанлар академиясининг тарих музейига топширилди. Олимлар бу тағалар XI асрга мансуб бўлса керак деб, тахмин қилмоқдалар.

Редакция почтасидан

Ҳаммомдаги ҳангома

Тунов кун Мирза билан Қобил ҳаммомда учрашиб қолишди. Мирза кираверишдаги ювиниш хонасида одамлар ўртасида ўтирарди. Эски қадронлар ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди.

— Шу ҳаммомга келиб нима қилариндиги, — деди Мирза.
— Ҳа нима бўпти? — таажубланди Қобил.

— Бироздан сўнг нима бўлишини билиб оласиз!

— Мирза, тосингиз кўринмайди?

— Тосингиз гапирасиз-а... Ичкарида, сув олиш учун навбатга қўйиб келганман. Учинчи-ми, ўнбиринчи бўлган эдим... Тос ҳам ҳаммом ходимининг аяғига «ширин» тапаларидан сўнг араб тегди.

Икки қадрон ичкарига киришди. Иккинчи хонада ҳам одам тўла. Аммо учинчисида ҳечким кўринмайди. Хонада 15 га яқин тос қатор турибди. Тоснинг тўлишини тоқатсизлик билан кўтиб, жўрак тепасига бир киши ўтирарди.

— Ҳаммомни йил сайин бирталай пул сарфлаб ремонт қилишди-ку, нега ҳар бир хонага жўрак ўрнаштирилди. Соатлаб сув пойлаш жонга ҳам тегиб кетди, — деди у.

Хуллас, шу кун Мирза билан Қобилнинг ювиниш тоза бўлиш ўрнига таъбирлари роса кир бўлди. Кийиниш хонасида ҳам тартиб йўқ: ҳаммаёқ ифлос, оёқни ерга боссангиз тупроқ илашиб, лой бўлади. Иссиқдан лоҳаз бўғаллар нашатирини спирт сўрашарди. Ҳаммом ҳодими бўлса «бу ер дорихона эмас, ҳаммом» деб ўшқиради. Ваҳоланки, ҳар бир ҳаммомда аптечка бўлиши керак.

Мирза ва Қобил бу ерда ортиқча туролмай, муздек суви босдан қўйилар-у, «бундай ҳаммомнинг бетини кўрганам энди шу бўлсин» деб чиқиб, кийинишга бошладилар.

Улар Тошкентдаги 13-ҳаммомда соир бўлаётган бу аҳволни «Росбастрест» раҳбарларига айтмагиз» деган фикрда ташкилот идорасини қилириб кетдилар. Мирза ва Қобил «Росбастрест»ни топиб, ҳаммом тўғрисидаги ҳамма гапни айтишдан бўлса керак. Борлиқ улар ташкилот идорасини тополмаган бўлсалар, трест раҳбарлари идорадан чиқиб, ўша ҳаммомнинг аҳволидан бир хабар олсалар ёмон бўлмасди.

М. АФЗАЛОВ,
С. МУСАЕВ.

Меҳнатсевар олима

Ўрта Осиё политехника институтининг студентлари ва ўқитувчилар коллективи Ўрта Осиёнинг йиллик геологлардан бири, институт геология кафедрасининг муdiri доктор Ольга Ивановна Сергунькованинг 60 ёшга, яъни педагогик фаолиятига 30 йил тўлган кунга бағишлаган кеча ўтказиларди.

О. И. Сергунькова 1926 йили Ўрта Осиё давлат университетини тугатган, университетда илмий иш олиб бориб, 1935 йилда фан кандидати унвонини олади.

Олиманинг олиб борган илмий текшириш ишлари тўғрисида Таш-Шань тоғларининг стратиграфияси ва Ўрта Осиёдаги бошқа тоғлик районларнинг тузилиши аниқ ўрганилди. Ўрта О. И. Сергунькова раҳбарлигида ўйлаб паллантологлар, фан кандидатлари егитирилди. Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида ишлаётган палеонтологларнинг кўпи Сергунькованинг шогирдларидир. Партия ва ҳукуматимиз олим Сергунькованинг кўп илмий хизматларини тақдирлаб, уни Ленин ордени, медаллари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиги билан мукофотлади.

Қ. АХМЕРОВ.

Маданият хроникаси

Бўстонлик районидидаги «Қозғистон ССР 30 йиллиги» колхознинг қизил чойхонаси колхоз аъзоларининг маданият дам оладиган жойига айланиб бормоқда. Меҳнатқиллар чойхона қизил бўрағида газета ва журналларнинг янги сонларини ўқийдилар, шахмат-шашка ўйнайдилар. Яқинда чойхонага телевизор ўрнатилди.

Т. Қўрғонов.

Оржоникидзе районидидаги Оржоникидзе номи колхозининг бой китоб фондига эга бўлган кутубхонасига аъзо бўлувчилар сони кун сайин кўпаймоқда. Бунга назарга олган колхоз правленияси бу йил кутубхонага китоб сотиб олиш учун 4 минг сўм маблағ ажратди. Кутубхона 30 нонда журнал ва газетага обуна бўлди.

Н. Қайюмов.

Янгийўл. Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтини сиртқи бўлимининг Янгийўлдаги консултация пунктида ҳар ақшанба кун машғулотлар бўлиб турибди. Бу машғулотларга институт ўқитувчиларидан Мун. Тошмуҳамедов, Вайнтрауб, Поляков ўртоқлар раҳбарлик қилмоқдалар. Ўтказилар консултация, лекция ва суҳбатлар сирдан ўқитган студентларнинг билимини оширишга ва мустақамлашга катта ёрдам бермоқда.

Б. Бернштам.

Тежалган маблағ ҳисобига

Оҳангарон шаҳридаги «Ўзбек-уголь» комбинатига қарашли 9-шахта коллектив кўмир қазиб чиқариш давлат планларини йил сайин ошириб адо этмоқда. Натижада кўпалаб давлат маблағи тежалаетир. Ана шу тежалган маблағнинг бир қисми ҳисобига қончилар учун типовой ҳаммом, 8 бўлимда 2 қаватли озимокват ва саноат моллари билан савдо қилаётган магазин бинолари қурилиб, яқинда фойдаланишга топширилди. Шунингдек «Шахтёр» Мажлиси саройи учун янги маркази телевизор ҳам сотиб олинди.

Бундан ташқари, шахта қончилари учун қишки клуб биноси ҳамда 300 ўринли эаги кинотеатр қурилатири.

А. КУНИЕВ.

Оҳангарон ГРЭСида

10 МИЛЛИОН НИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯСИ

Оҳангарон давлат район электростанцияси ҳозиргача 10 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарди. Бу энергия Тошкент иқтисодий райони корхоналарининг ахтиёжини қондириш учун «Ташнефто» системасига берилади. Ҳозир станциянинг қурувчи ва монтажчилари яқинида турбогенераторни ҳам ишта тушириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

ҚИММАТЛИ РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ТАКЛИФЛАРИ

Қурилишда рационализатор ва ихтирочилар сафи кенгайиб бормоқда. Сўнгги пайтларда ускуналардан яхши фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган 18 та рационализаторлик таклифлари тушди. Инженерлардан Иванов ва Лушанов ўртоқлар трансформаторларни тақомиллаштирилди. Натижада трансформаторга ток нагузакеси камайиб ва трансформаторни ҳимоя қилиш иши яхшиланди. Қозон пешининг бошлиғи Черкинский трубопроводдаги 1-қозонга мазутли форсуналарни озиклантириш учун қопқоқ ўрнатилиш таклиф этган эди. Бу қимматли таклиф амалга ошириш натижасида мазутли форсуналарни озиклантириш билан банд бўлган бир паровоз ишдан бўлиди. Мастер Чинкин, моторчи Грифцова ва бошқа новаторларнинг таклифлари ҳам давлатга анча фойда келтиради.

ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ


Бу ерда ўтказилган шахмат мусобақасида биноклар, монтажчилар ва станцияни эксплуатация қилувчилар иштирок этидилар. Ўйин алимий-системасида ўтказилди. Мусобақада биринчи марта қатнашган станцияни эксплуатация қилувчилар 4:2 ҳисоби билан ғалаба қозондилар. Мусобақа ғолибига «Энергетик» кўнглили спорт жамиятининг кубоги берилди.

Ф. ПЕТРОВ.

★

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети кафедраларида илмий-текшириш ишлари кўлами табора кенгайиб бормоқда. Илмий лабораторияларнинг техник базалари бойиб, мустақамлашмоқда. Физика-математика факультети, студентлари ва ўқитувчилари ихтиёрида 250 минг марта катта қилиб қўрсатилган электрон микроскоплар, сантиметрининг миллиарддан бир қисмигача аниқ қилиб ўлчай оладиган спектрографлар, атмосферани бир триллион марта сийраклаштириб берадиган турли вакуум аппаратлари, нишонли атомлар билан ишлайдиган ускуналар, юқори частотали диапозонли генераторлар, космик нувларни ўрганадиган асбоблар бор. Физика-математика факультетининг студентлари ва педагоглари ана шу асбоблардан кенг фойдаланмоқдалар. Суратда: илмий ходим Дмитрий Васильковский ва аспирант Вохид Султонов ўртоқлар электрон оптик лабораториясида УЗМ-100 электрон микроскопида металл структурасини ўрганоқдалар.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).




Суратда: Олмаликдаги Олтин топан комбинати марказий карьерининг очик разрезда рух-қўрғонини русдини кавлаш пайти.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХРОНИКА

СССР Бот прокурорининг буй-ланди. Ўртоқ М. Ш. Шералиев Ғарури билан Ўртоқ Нор Ёқубов Ўзбекистон ССР прокурори вазифасидан озод қилинди.



Тошкент. Тошкент консерваторияси ҳузуридаги музыка мактабининг IX синф ўқувчиси Элла Нуралиева симфоник оркестр жўрлигида композитор Г. Муселлининг «Бешинчи концерт»ини ижро этмоқда. Суратда: Элла Нуралиева.

М. Редькин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТУРЛИ ҚАСБ ЭҒАЛАРИ

Радиотехник

Калинин районидидаги 27-ўрта мактабининг радиоэаи. Ихчамгина, озода хонада Обид Хусанов бўзилган «Рекорд» радиоприёмининг тузатиб ўтирибди. Шу пайт ташқаридан радиоприёмник қўтиқлаб, шу районининг Сталин номи колхоз аъзоси Акбархўжа Тўраев кириб келди. Обид Хусанов Акбархўжа акани хурсанд қилиб олди-да, ўтиришга таклиф этди.

— Ўғлим, — деди Акбархўжа ака стулга ўтираётди, — мана шу приёмникни тузатиб беринг.

— Сиз, мана бу газетани ўқиб туринг, мен ҳозир тузатиб бераман, — деди-да Обид Хусанов радиоприёмникнинг уёқ-бўғинини кўра бошлади. Орадан арим соат ўтмасдан, Обид Хусанов приёмникни тузатиб, токка олади.

— Тошкентда гапиримиз... Дикторнинг овози кичкина хона-ни жаранглайди юқори.

— Радиоприёмник тузалди, — деди ўз ишдан мамун бўлган Обид Хусанов.

— Раҳмат ўғлим, касбингдан барака топ, — деди Акбархўжа ака Обид билан хайрлашаётди.

Обид Хусанов ўрта мактабда ўқиб юрганда радиотўғраги машғулотларида актив қатнашарди. У, бўш вақтларида радиотехникага оид китобларни ўқиб, қандайдир деталларни ўрганади.

1950 йилда 10 синфини битирган Обид Хусанов Тошкентдаги алоқа техникумида ўқиб бошлади. Бу ердаги радиотехника, электротехника юзасидан ўтган дарслар Обид Хусановга техника билимига бўлган қизиқишини янада оширди. Ниҳоят, Обид 1953 йили алоқа техникумининг муваффақияти билан таомлади ва 27-мактаб клубидаги радиоэаи бошқара бошлади. Орадан кўп ўтмай мактаб радиоэаида

магнитофон келтирилди ва узелдан колхозчиларга, мактаб ўқувчиларига атай концертлар эшиттирилади бошланди.

— Мен-да, — дейди Обид Хусанов, — 7-синфда ўқиб юрган чотларимдаёқ радиотехник бўлишга ҳавас ўйганган эдим. Мен физика ўқитувчиси Аҳрор Тожиев билан қўшимча машғулотлар ўтказар, биламанларимни сўраб билиб олар эдим. Техникумда ўқиб юрган пайтларимдаёқ детекторли ва кучлантирувчи радиоприёмниклар ясам қўлимдан келарди. Шунинг учун ҳам ҳозир узелни мустақил бошқаришни ўздатириб олдим.

Шу кунларда мактаб атрофида яловчи 300 га яқин колхозчи хонадон радиолаштирилган. Ҳар кун радиоузел орқали мактаб ўқувчилари томонидан ташкил этилган «Ўқувчи журналининг сўнгги саҳифаси» ота-оналарга эшитириб турилади. Була ота-оналар ўз ўғил-қизларининг мактабда қандай ўқитилганли, интизоми, давомати ҳақида хабардор бўлиб турадилар. Бундан ташқари «Халқаро аҳвол» тўғрисида обзор ҳам эшитириб турилади. Сўнгга «4» ва «5» баҳо билан ўқитган ўқувчиларга атай концерт берилади.

Ёш радиотехник Обид Хусанов ўзининг ибратли меҳнати билан бутун колхозчилар ва мактаб ўқувчилари хурматига сазовор бўлмоқда. Унинг радиоэаида ишлаб бошлаганига икки йилдан ошиб кетди. Обид Хусанов фақат радиоэаида бошқариш билан шугулланмасдан, мактабда очилган радиотехниклар тўғрисида ҳам раҳбарлик қилади. Обид Хусанов кўп йиллик иш тажрибасидан ўсмон Нирматов, Тўлқин Тўраев, Эркин Қомиллов, Раҳмат Мирсолтев каби тўғрақ аъзоларига кунт билан ўргатмоқда.

М. ОРТИҚОВ.

Телевизор Экраида

16 ЯНВАРДА:

19.30. Катта ёшдаги болалар учун эшиттириш

«Падун шалолалари» деган илмий-оммабоп фильм.

20.00. Ўзбек тилида хотин-қизлар учун эшиттириш.

20.20. Кинесурнал.

20.30. Ўзбек тилида бадний фильм — «Қутлут қон».

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМИ ТЕАТРА — 15/1 да Йўлчи юлдуз, 16/1 да Ганг дарёсининг қизи.

НАВОИИ НОМИ ТЕАТРА — 15/1 да Тохир ва Зухра. СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Халима Носирова, Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Зокиров, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Насим Хошимов қатнашади, 16/1 да Кармен.

СВЕРДЛОВ НОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 16 ва 17/1 да Ўзбек санъат усталарининг катта концертлари. СССР халқ артисти Халима Носирова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Мукаррама Турғунбоева, Фотима Борухова, Галия Измайлова, Комилжон Ота-

ниёзов ва бошқалар қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Гималай айиқлари аттракционининг сўнгги кунлари. Ўргатувчи — Изабелла Адаскина. Тамона кеч соат 8 да бошланади.

«ЕШ ГВАРДИЯ». «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечкувчи янги киноповесть Дўстлар ёнимизда бўлганда.

Калинин район. Сталин номи колхозда турувчи Аъзам Каримовнинг шу колхозда турувчи Бўстон Дўстматовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент област. Калинин район. 1-участка халқ судида қўрилади.